

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 233 (12.294)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Бугунги кунда мамлакатимизда мебелсозлик саноати ўзига хос тарзда ривожланмоқдаки, бу ички бозорда харидорини топаётган халқаро андозаларга мос дизайнга эга бўлган сифатли ва рақебатбардош мебель турларида яққол кўриниб турибди.



Саноат

БУЮРТМАЛАР ТЕЗ ВА СИФАТЛИ БАЖАРИЛМОҚДА

Ички бозорни тўлдириш мақсадида тинмай изланиб, маҳсулотлари сифатини яхшилаб, уларнинг турларини кўпайтираётган тадбиркорларимиз сони кундан кунга ортиб бормоқда.

Олмазор туманида фаoliyati кўрсататёган «ILK NUR OMAD» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари хам ички бозорда муносаб ўринга эга бўлишини мақсад қилган холда маҳсулот турларини кўпайтишмоқда.

— Корхонамизда меҳмонона, ёткохона, ошхона мебель тўпламлари ва бошка кенг турдаги жихозлар тўплами ишлаб чиқа-

рилади, — дейди корхона раҳбари Иброҳим Тўлага-нов. — Бунинг учун цехимизга мебель маҳсулотларини тайёрлашда кўл келадиган хорижий дастгоҳлар ўрнатилган, замонавий ускуналар келтирилган. Фурнитура ва декорация учун белгиланган материаллар қисман ўзимиз томонимиздан, қолгани буюртма асосида бошка сифатли орқали олиб келинади. Харидорларга тўлиқ тўпламдаги ва тўпламдан ташқари 15 хил турдаги мебеллар тавсия этилмоқда. Албатта, ошхона, ёткохона,офис тўпламларига бўладиган алоҳида буюртмаларни ҳам тез ва

Зиёда РАСУЛОВА
Ҳакимжон Солиҳов
олган суратлар

сифатли равишда бажа-ришга ҳаракат қиласиз. Корхонада ишлаб чиқа-рилаётган тўпламлар ва бошка кенг турдаги жихозлар нафакат пойтахтимизда, балки республикамиздин бошқа вилоятларида харидорига.

Жамият тадбиркорлари мебель турларини харидор талаб ва дидига мос ҳамда сифатли бўлишини таъминлаган холда иш юритишмоқда. Келгусида мебель турларини янада кўлпайтириб, кўшимча иш ўрингларни яратиш режалаштирилган.

Зиёда РАСУЛОВА
Ҳакимжон Солиҳов
олган суратлар

ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

«Пойтахт» бизнес марказида Ўзбекистонда фармацевтика саноатининг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириши истиқболларига бағишинан давра сұхбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистон бизнес-форуми (2-босқич)» лойиҳаси билан ҳамкорлиқда ташкил этилган ушбу тадбирда вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот институтлари, фармацевтика компаниялари ваколатхоналари ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллари қатнашди.

Давра сұхбатини ўтказишдан асосий мақсад фармацевтика саноати, давлат органдари ва илмий-тадқиқот институтлари вакилларининг мулоқот қилиши учун

шароит яратиш ҳамда ўзаро ҳамкорликни йўлга кўйишдан иборат.

«Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концерни бошқаруви раиси М.Дўстмурадовнинг айтишича, фармацевтика саноати препараторларни ўзимиздан ишлаб чиқариши кўпайтироқда, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун инвестициялардан самарали фойдаланмоқда. Истиклол йилларида тибиёт соҳаси учун маҳсулот ишлаб чиқарайтган саноат корхоналари сони 3 тадан 129 тага кўпайди, ишлаб чиқарилаётган дори-

ларига бағишинан илмий-амалий анжумани уюштирилди.

✓ КЕЧА «Ўзбекистон» мөхомонхонасида «Аёллар

лар тури эса ўн баравардан ошди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 14 июлда қабул қилинган «Махаллий дори-дармон ва тибиёт буюмлари ишлаб чиқарувчилари кўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ амалга оширилган ишлар самарасида 2011 йилда фармацевтика саноатининг 2010 йилга нисбатан ривожланиши 25 фойздан зиёд ўтди. Давра сұхбатида Ўзбекистонда фармацевтика саноати юқори суръатлар билан ривожланаётганига қарамай, ушбу соҳани янада юксалтириши зарурлиги таъкидланди.

Тадбир қатнашчилари мамлакатимизда дори-дармонлар ишлаб чиқариши бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, фармацевтика маҳсулотларини экспорт килиш кўлумини кенгайтириш, шунингдек, фармацевтика корхоналарида сифат менежменти тизимини жорий этиш масалаларини кўриб чиқдилар. Зоро, рақобатбардош маҳсулот ҳалқаро намунадаги сифат сертификатига эга бўлиши даркор.

Мехрибон МАМЕТОВА,
ЎЭМ мухабири

ларига бағишинан илмий-амалий анжумани уюштирилди.

✓ КЕЧА «Ўзбекистон» мөхомонхонасида «Аёллар

кенгаши» республика жамоат бирлашмаси ташабbusi билан «Йил аёли» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.



сафоси
Барча
манбалардан
олинган сўнни
хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг йигирма йиллиги муносабати билан Самарқанд вилоятидаги таълим муассасалари, маҳаллалар, корхона ва ташкilotларда илмий-амалий анжуманлар, учрашув ва давра сұхбатлари ўтказилмокда. Пахтачи туманидаги 34-болалар мусика ва санъат мактабида ташкил этилган ана шундай тадбирда маҳаллалар ахолиси, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашиди.

• Жиззах давлат педагогика институтида Конституциямизнинг 20 йиллигига бағишиланган тадбир бўлиб ўтди. Унда иштирок этган тарғибот гурухи аъзолари Конституциямизнинг мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти хусусида сўз юритдилар.

• Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратурасида хукуқ-тартибот органлари, давлат бошқаруви идоралари, жамоат ва подавлат нотижорат ташкилотларининг Идоралараро ҳамда республика хукуқи мухофаза килувчи органларининг Мувофиқлаштирувчи кенгаши йигилишлари бўлиб ўтди.

• Нукус шаҳрида анъанавий «Йил аёли» миллӣ танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. «Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмаси ташабbusi билан уй-рўзгор ишлари, фарзанд тарбияси билан бир қаторда жамият ҳаётида ҳам фаол иштирок этатган опа-сингилларимизни кўллаб-куватлаш максадида ташкил этилган ушбу танловда 16 нафар иштирокчи ўз билим ва маҳоратини синовдан ўтказди.

• Термиз шаҳрида «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остида Сурхондарё вилоятида фаолият юритаётган ёш тадбиркорларнинг маҳсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси, вилоят ҳотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Хунарманд» ўюшмаси вилоят бўлимлари ҳамкорлигига ташкил этилган мазкур кўргазмада намойиш этилган маҳсулотлар ва хунармандчилик буюмлари барчада катта қизикиш ўйғотди.

ЖАҲОНДА

• Латвия Президенти Андрис Берзиньш республикада референдумлар ўтказиш қоидаларини сезиларли даражада мураккаблаштирадиган қонун лойиҳасини имзолади.

• Кече Венесуэлда мамлакат ҳарбий ҳаво кучлари ташкил этилган кунни нишонлашга бағишиланган парад чоғида K-8 русумли ўқув-машгулот самолётни ва ҳалокат жойига юборилган ҳарбий вертолёт кулаф тушди.

• Франция маъмурлар Фаластининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кузатувчи давлат мақомини олиш бўйича саъй-ҳаракатларини кўллаб-куватлашини маълум қилди.

• Собиқ Югославия бўйича ҳалқаро трибунал илгари қамоқ жазосига хўм килинган хорватиялик генераллар Анте Готовин ва Младен Маркачини тўлалигича оқлади.

• Россиянинг наркотиклар айланмаси юзасидан назорат юритувчи Федерал хизматидан маълум қилишларича, Татаристон наркополициячилари 175 килограмм геронги гиёҳвандлик моддасини мусодара қилдилар ва шу тарбиа ушбу наркотикни Афғонистондан Россияга келтириш билан шуғулланиб келган жинонӣ гурӯх фаолиятига барҳам бердилар.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ УЧТЕПА туманидаги «Кўркамобод» маҳалласида «Ёш футболчилар» мусобақаси ўтказилди.

